

## "ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТ" ЛОЙИҲАСИНинг 2024 ЙИЛГИ НАТИЖАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ АҲАМИЯТИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги "Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-5072-сонли қарорига мувофиқ, мамлакатимизда "Ташаббусли бюджет" лойиҳаси аҳолининг маҳаллий муаммоларни ҳал қилишдаги иштирокини ошириш ва бюджет маблағларини самарали сарфланишига қаратилган муҳим ташаббус сифатида амалга оширилмоқда.

Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти (МХТИ) эксперталари томонидан 2024 йилда ҳудудларда ўтказилган "Ташаббусли бюджет" лойиҳасининг икки мавсуми якунлари таҳлил қилинди ҳамда мазкур жараёнларда ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатининг ўрни ўрганилди.

"Очиқ бюджет" портали<sup>1</sup> маълумотлари таҳлилига кўра, "Ташаббусли бюджет" лойиҳаси 2024 йилда ўтказилган икки мавсумдаги ташабbusлар (ложиҳалар)нинг жами сони **63049 таси** ташкил этган. Шундан, **52261 таси** (ёки **82,9 фоизи**) саралашдан ўтган, **10788 таси** (ёки **17,1 фоизи**) рад этилган.

Мамлакат фуқаролари томонидан жами **20817,3 минг** овоз тўпланиши ҳисобига **4774 та** ташаббус ғолиб деб топилган (1-мавсум – **2824 та**, 2-мавсум – **1950 та**). Бу жами ташаббус қилинган (**63049 та**) ложиҳаларнинг **7,6 фоизини**, саралашдан ўтган ложиҳаларнинг **9,1 фоизини** ташкил қилган. Аҳолининг лойиҳадаги иштирок этиш даражаси ўртача **28 фоизни**, қаноатланиш даражаси эса 2-мавсумда **80 фоизни** ташкил этиб, 1-мавсумдаги **76 фоиздан** юқори бўлган.

### I. Ижтимоий-иқтисодий омиллар таъсири.

"Ташаббусли бюджет" лойиҳаси бўйича асосий кўрсаткичлар ўртасидаги боғлиқликлар ўрганилди. Танланган кўрсаткичлар иқтисодий ва ижтимоий ҳолатнинг жамоатчилик ташабbusлари ва ғолиб ложиҳаларга бўлган таъсирини аниқлашга қаратилган. Бундай таҳлил ложиҳаларнинг **ижтимоий аҳамиятини ва ресурслар тақсимотининг самарадорлигини** тушунишга ёрдам беради. Таҳлил натижалари корреляция матрицаси ва унинг ҳарорат харитаси кўринишида тақдим этилган (1-жадвал).

#### 1.1. Тадбиркорлик ва лойиҳа муваффақияти.

Таҳлил натижалари "тадбиркорликка мойил бўлган" ҳудудларда ташабbусli ложиҳалар сони кўпроқ бўлганлигини кўрсатмоқда. Яъни, бу борада **аҳоли жон бошига тўғри келадиган тадбиркорлар сонининг<sup>2</sup> ташабbус қилинган ложиҳалар сони билан боғлиқлиги (0,51)** аҳамиятлидир, тадбиркорлар сони ортиши билан ташабbusлар кўпайишини кўрсатмоқда. Бу яна шундан далолат берадики,

<sup>1</sup> <https://openbudget.uz/boards/initiatives>

<sup>2</sup> Аҳоли жон бошига тўғри келадиган фаолият юритаётган якка тартибдаги тадбиркорлар сони - Давлат солиқ қўймитаси томонидан тақдим этилган маълумотлар ва Статистика агентлигининг расмий веб-сайтидаги маълумотларига асосан ҳисобланган

тадбиркорлар ўз маҳаллаларида фаол бўлган ҳолда маҳаллий инфратузилма ёки ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни қўллаб-қувватлашда фаол иштирок этмоқда.

**1-жадвал. Ижтимоий-иқтисодий омилларнинг "Ташаббусли бюджет" лойиҳаси натижалари билан боғлиқлиги ҳарорат харитаси.**

|                               | Тадбиркорлик | -0,54         | 0,76                 | 0,51                   | 0,43            | 0,61                    | 0,71                          | 0,40 | юқори ижобий боғлиқлик (+1) |
|-------------------------------|--------------|---------------|----------------------|------------------------|-----------------|-------------------------|-------------------------------|------|-----------------------------|
| Инсиззлик                     | -0,54        | 1,00          | -0,26                | -0,31                  | 0,08            | -0,35                   | -0,29                         | 0,10 |                             |
| Аҳоли зичлиги                 | 0,76         | -0,26         | 1,00                 | 0,58                   | 0,77            | 0,66                    | 0,87                          | 0,74 |                             |
| Ташаббусли лойиҳалар          | 0,51         | -0,31         | 0,58                 | 1,00                   | 0,42            | 0,47                    | 0,57                          | 0,38 |                             |
| Барча берилган овозлар        | 0,43         | 0,08          | 0,77                 | 0,42                   | 1,00            | 0,51                    | 0,69                          | 0,99 |                             |
| Голиб лойиҳалар               | 0,61         | -0,35         | 0,66                 | 0,47                   | 0,51            | 1,00                    | 0,82                          | 0,48 |                             |
| Голиб лойиҳалар суммаси       | 0,71         | -0,29         | 0,87                 | 0,57                   | 0,69            | 0,82                    | 1,00                          | 0,67 | юқори салбий боғлиқлик (-1) |
| Голиб лойиҳалар тўплаган овоз | 0,40         | 0,10          | 0,74                 | 0,38                   | 0,99            | 0,48                    | 0,67                          | 1,00 |                             |
| Тадбиркорлик                  | Инсиззлик    | Аҳоли зичлиги | Ташаббусли лойиҳалар | Барча берилган овозлар | Голиб лойиҳалар | Голиб лойиҳалар суммаси | Голиб лойиҳалар тўплаган овоз |      |                             |

Манба: "Ташаббусли бюджет" лойиҳаси натижалари "Open budget" портали маълумотлари асосида ҳисобланган  
 \* Ҳисоб-китоблар корреляцион ва регрессион таҳлил усуслари ёрдамида амалга оширилган.

Шунингдек, фаолият кўрсатаётган якка тартибдаги тадбиркорлар сонининг **ғолиб лойиҳалар сони (0,61)** ва **ғолиб лойиҳалар суммаси (0,71)** билан юқори мусбат корреляцияси ҳам эътиборли бўлиб, бу тадбиркорлар сони ортиши уларнинг **loyiҳalар муваффақиятига** сезиларли таъсири борлигидан далолат бермоқда.

**Худудлар кесимида ўтказилган корреляция таҳлили** тадбиркорлар фаоллиги ва "Ташаббусли бюджет" лойиҳаси натижалари ўртасидаги боғлиқлик ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос ижтимоий-иқтисодий шароитлари, тадбиркорлик мұхити ва аҳоли фаоллигига боғлиқ равишда фарқ қилишини кўрсатди (2-жадвал).

Хусусан, **Самарқанд, Бухоро вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси**да аҳоли жон бошига тўғри келадиган тадбиркорлар сони билан **ташаббусли лойиҳалар сони** ўртасида кучли ижобий корреляция (мос равишда - **0,87, 0,85** ва **0,84**), шунингдек, **Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Жizzах ва Сурхондарё** вилоятларида **лоиҳалар учун берилган овозлар сони** билан ҳам юқори

корреляция (мос равища - **0,81, 0,81, 0,74** ва **0,73**) мавжудлиги аниқланди. Бу ҳудудларда тадбиркорларнинг фаол фуқаролик позицияси ва жамоатчилик ташаббусларини қўллаб-қувватлашга юқори даражадаги фаоллиги кузатилди.

**2-жадвал. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган тадбиркорлар сонининг лойиҳа натижалари  
кўрсаткичлари билан боғлиқлиги (ҳудудлар кесимида) ҳарорат харитаси.**

|   | <i>Ташаббусли<br/>лоийҳалар</i> | <i>Барча берилган<br/>овозлар</i> | <i>Голиб лойиҳалар</i> | <i>Голиб лойиҳалар<br/>суммаси</i> |
|---|---------------------------------|-----------------------------------|------------------------|------------------------------------|
| <b>Аҳоли жон бошига тўғри келадиган тадбиркорлар сони 10 мингдан кўп бўлган ҳудудлар</b>        |                                 |                                   |                        |                                    |
| <i>Тошкент шаҳри</i>  | 0,43                            | 0,69                              | 0,32                   | 0,41                               |
| <b>Аҳоли жон бошига тўғри келадиган тадбиркорлар сони 6 мингдан 10 минггача бўлган ҳудудлар</b> |                                 |                                   |                        |                                    |
| <i>Бухоро вилояти</i>   | 0,85                            | 0,81                              | 0,78                   | 0,89                               |
| <i>Тошкент вилояти</i>  | 0,44                            | -0,08                             | 0,46                   | 0,61                               |
| <i>Хоразм вилояти</i>   | 0,12                            | 0,08                              | 0,67                   | 0,59                               |
| <i>Сирдарё вилояти</i>  | 0,63                            | 0,61                              | 0,19                   | 0,79                               |
| <i>Самарқанд вилояти</i>  | 0,87                            | 0,50                              | 0,80                   | 0,84                               |
| <i>Қорақалпоғистон Республикаси</i>   | 0,84                            | 0,81                              | 0,71                   | 0,92                               |
| <b>Аҳоли жон бошига тўғри келадиган тадбиркорлар сони 4 мингдан 6 минггача бўлган ҳудудлар</b>  |                                 |                                   |                        |                                    |
| <i>Навоий вилояти</i>   | 0,30                            | 0,71                              | 0,67                   | 0,80                               |
| <i>Фарғона вилояти</i>  | 0,62                            | 0,31                              | 0,89                   | 0,86                               |
| <i>Жиззах вилояти</i>   | 0,73                            | 0,74                              | 0,72                   | 0,83                               |
| <i>Қашқадарё вилояти</i>  | 0,46                            | 0,11                              | 0,66                   | 0,67                               |
| <i>Наманган вилояти</i>   | 0,26                            | 0,71                              | 0,82                   | 0,71                               |
| <i>Андижон вилояти</i>  | 0,66                            | 0,60                              | 0,93                   | 0,90                               |
| <i>Сурхондарё вилояти</i>   | 0,29                            | 0,73                              | 0,88                   | 0,83                               |

Манба: "Ташаббусли бюджет" лойиҳаси натижалари "Open budget" портали маълумотлари асосида ҳисобланган  
\* Ҳисоб-китоблар корреляцион ва регрессион таҳлил усуллари ёрдамида амалга оширилган.

**Андижон, Фарғона ва Сурхондарё вилоятларида эса тадбиркорлар сонининг кўплиги лойиҳаларнинг муваффақиятига, яъни **ғолиб лойиҳалар** сонининг кўпайишига (мос равища - **0,93, 0,89** ва **0,88**) ва уларга **ажратиладиган маблағлар ҳажмининг** ошишига (мос равища - **0,90, 0,86** ва **0,83**) олиб келганлигини кўрсатмоқда.**

**Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон ва Бухоро** вилоятларида ҳам ҳудди шундай тенденция кузатилиб, бу ҳудудларда **ғолиб лойиҳаларнинг молиялаштирилиши тадбиркорлар сони** билан юқори даражада боғлиқлигини кўрсатмоқда (**0,92, 0,90** ва **0,89**).

**Хоразм** вилоятида ташаббус қилинган лойиҳалар сони билан паст корреляция (**0,12**) мавжуд бўлиб, ушбу ҳолат мазкур ҳудудларда тадбиркорлар сони жамоатчилик ташаббуслари ёки овоз бериш жараёнида катта аҳамиятга эга бўлмаганлигини кўрсатмоқда.

**Toшкент** вилоятида эса лойиҳа кўрсаткичлари билан салбий корреляция (-0,08) кузатилган. Бу эса ушбу ҳудудда тадбиркорлар сони ортиши **ташаббуслар сонига** сезиларли даражада таъсир қиласлигини ёки тадбиркорлар сони кўп бўлган тақдирда ҳам, ахоли **овоз беришда** унчалик фаол бўлмаганигини кўрсатмоқда.

Умумий қилиб айтганда, ушбу таҳлиллар маҳаллий жамоатчилик лойиҳаларида тадбиркорларнинг янада фаол иштирокини таъминлаш ва ижтимоий-иқтисодий муаммоларни интеграциялашган ёндашув асосида ҳал этишда жамоатчилик иштироки даражасини ошириш мухим эканлигини кўрсатади.

## 1.2. Ишсизлик даражасининг лойиҳага таъсири.

**Ишсизлик даражаси ва ғолиб лойиҳалар сони ўртасидаги салбий корреляция (-0,35)** ишсизлик даражаси юқори бўлган ҳудудларда **жамоатчилик ташаббуслари (-0,31)** ва **ғолиб лойиҳалар сони** камроқ бўлишини кўрсатмоқда. Ишсизлик даражаси юқори бўлган ҳудудларда иқтисодий омиллар ахолининг жамоат ишларидағи иштирокига таъсир қилиб жамоатчилик ташаббуслари кам бўлган бўлиши мумкин.

**Ҳудудлар кесимида ўтказилган корреляция таҳлили** ишсизлик даражасининг лойиҳага таъсири турли ҳудудларда турлича бўлишини кўрсатди. Бу ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос ижтимоий-иқтисодий шароитлари, ахоли бандлиги ва тадбиркорлик мухити билан боғлиқ бўлиши мумкин (3-жадвал).

3-жадвал. "Ташаббусли бюджет" лойиҳаси натижалари кўрсаткичларининг Ишсизлик даражаси билан боғлиқлиги ҳарорат харитаси

|  | <i>Ташаббусли лойиҳалар</i> | <i>Барча берилган овозлар</i> | <i>Ғолиб лойиҳалар</i> | <i>Ғолиб лойиҳалар суммаси</i> |
|--|-----------------------------|-------------------------------|------------------------|--------------------------------|
| <i>Ишсизлик даражаси (7%дан юқори бўлган ҳудудлар</i>                |                             |                               |                        |                                |
| <i>Сурхондарё вилояти</i>  | 0,00                        | -0,45                         | -0,65                  | -0,51                          |
| <i>Сирдарё вилояти</i>   | 0,16                        | 0,29                          | -0,65                  | 0,04                           |
| <i>Қашқадарё вилояти</i>   | 0,13                        | 0,38                          | -0,26                  | -0,25                          |
| <i>Жizzах вилояти</i>  | -0,55                       | -0,62                         | -0,43                  | -0,61                          |
| <i>Қорақалпогистон Республикаси</i>                                  | -0,53                       | -0,60                         | -0,41                  | -0,70                          |
| <i>Фарғона вилояти</i>   | -0,48                       | -0,17                         | -0,70                  | -0,66                          |
| <i>Андижон вилояти</i>   | -0,10                       | -0,08                         | -0,52                  | -0,41                          |
| <i>Наманган вилояти</i>  | 0,42                        | 0,08                          | -0,19                  | 0,08                           |
| <i>Ишсизлик даражаси (6,5% дан 7,0% гача) ўртача бўлган ҳудудлар</i> |                             |                               |                        |                                |
| <i>Toшкент вилояти</i>   | 0,16                        | 0,55                          | -0,30                  | 0,00                           |
| <i>Самарқанд вилояти</i>   | -0,46                       | 0,16                          | -0,53                  | -0,37                          |
| <i>Хоразм вилояти</i>  | -0,58                       | 0,36                          | -0,31                  | -0,21                          |
| <i>Бухоро вилояти</i>  | -0,50                       | -0,43                         | -0,66                  | -0,59                          |
| <i>Ишсизлик даражаси (6,5% дан) паст бўлган ҳудудлар</i>             |                             |                               |                        |                                |
| <i>Навоий вилояти</i>  | -0,03                       | -0,02                         | -0,29                  | -0,29                          |
| <i>Toшкент шаҳри</i>   | -0,22                       | -0,48                         | -0,25                  | -0,22                          |

Манба: "Ташаббусли бюджет" лойиҳаси натижалари "Open budget" портали маълумотлари асосида ҳисобланган

\* Ҳисоб-китоблар коррелацион ва регрессион таҳлил усуллари ёрдамида амалга оширилган.

Кўпчилик ҳудудларда, хусусан *Қорақалпоғистон Республикаси* (ташаббуслар - **-0,53**, овозлар - **-0,60**, сума - **-0,70**), *Бухоро* (ташаббуслар - **-0,50**, ғолиблар - **-0,66**, сума - **-0,59**), *Жиззах* (ташаббуслар - **-0,55**, овозлар - **-0,62**, сума - **-0,61**) ва *Фарғона* (ғолиблар - **-0,70**, сума - **-0,66**) вилоятларида ишсизлик даражаси билан лойиҳа кўрсаткичлари ўртасида **юқори салбий корреляция** кузатилган. Бу ҳудудларда ишсизликнинг юқорилиги аҳолининг ижтимоий фаоллигига салбий таъсир кўрсатиб, лойиҳадаги иштирокини пасайтирган бўлиши мумкин.

Айрим ҳудудларда эса, хусусан *Тошкент* (ташаббуслар - **0,16**, овозлар - **-0,55**), *Сирдарё* (ташаббуслар - **-0,53**, овозлар - **0,29**, сума - **0,04**) ва *Қашқадарё* (ташаббуслар - **0,13**, овозлар - **0,38**) вилоятларида ишсизлик даражаси билан лойиҳа кўрсаткичлари ўртасида нисбатан ижобий корреляция аниқланган. Бу ҳудудларда аҳолининг ижтимоий фаоллиги юқори бўлиб, улар ишсизликка қарамай, жамоатчилик ишларида фаол иштирок этаётган бўлиши мумкин. Шунингдек, бу ҳолатда, лойиҳага таъсир кўрсатадиган бошқа омиллар (масалан, аҳолининг ёш таркиби, маълумот даражаси, иш билан бандлик тури, ҳудудий ривожланиш даражаси ва ҳ.к.) муҳим роль ўйнаши мумкин.

Умуман олганда, ишсизлик даражаси "Ташаббусли бюджет" лойиҳасининг муваффақиятига таъсир кўрсатадиган муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Ҳудудлардаги ишсизлик даражасини ҳисобга олиб, лойиҳани такомиллаштириш ва тегишли чора-тадбирларни кўриш орқали лойиҳанинг самарадорлигини ошириш ва унинг ижтимоий-иктисодий таъсирини кучайтириш мумкин.

### 1.3. Аҳоли зичлигининг лойиҳага таъсири.

**Аҳоли сонининг барча берилган овозлар сони (0,77), ташаббус қилинган лойиҳалар сони (0,58)** ва **ғолиб лойиҳалар суммаси (0,87)** билан юқори корреляцияси аҳолининг жамоатчилик ташаббуслари ва жамоат ишларига фаол жалб қилинишини кўрсатди. Аҳолиси кўп бўлган ҳудудларда **фуқароларнинг жамоатчилик лойиҳаларига бўлган қизиқиши юқори эканлиги** ва улар овоз бериш жараёнида фаол иштироки кузатилди. Шунингдек, аҳоли зич жойлашган ҳудудларда ижтимоий инфратузилмага бўлган эҳтиёж юқори бўлиши ва одамлар ўз муаммоларини ҳал қилиш учун лойиҳада фаолроқ иштирок этиши мумкин.

Ҳудудлар бўйича таҳлиллар шуни кўрсатаяпти, аксарият ҳудудларда, хусусан *Бухоро* (ташаббуслар – **0,92**, овозлар – **0,91**, сума – **0,97**), *Андижон* (ташаббуслар – **0,83**, ғолиблар – **0,98**, сума – **0,99**), *Самарқанд* (ташаббуслар – **0,87**, ғолиблар – **0,78**), *Фарғона* (ташаббуслар – **0,84**, ғолиблар – **0,88**) вилоятлари ва *Қорақалпоғистон Республикасида* (ташаббуслар – **0,85**, ғолиблар – **0,70**, сума – **0,96**) вилоятларида **юқори корреляция** кузатилган (4-жадвал).

**Тошкент шаҳри** (ташаббуслар – **0,59**, ғолиблар – **0,70**) ва **Хоразм** (ғолиблар – **-0,38**) **паст ва салбий корреляция** кузатилган. Бу ҳудудларда аҳолининг кўплиги лойиҳанинг фаоллигига кучли таъсир кўрсатмаган бўлиши мумкин.

**4-жадвал. Аҳоли сонининг лойиҳа натижалари кўрсаткичлари билан боғлиқлиги  
(ҳудудлар кесимида) ҳарорат харитаси**


|   | <i>Ташаббусли<br/>войиҳалар</i> | <i>Барча берилган<br/>овозлар</i> | <i>Голиб<br/>войиҳалар</i> | <i>Голиб<br/>войиҳалар<br/>суммаси</i> |
|---|---------------------------------|-----------------------------------|----------------------------|--|
| <b>Аҳолиси сони 3 млн. кишидан 4,5 млн.кишигача бўлган ҳудудлар</b> |                                 |                                   |                            |  |
| <i>Самарқанд вилояти</i>  | 0,87                            | 0,73                              | 0,78                       | 0,91                                   |
| <i>Фарғона вилояти</i>  | 0,84                            | 0,66                              | 0,88                       | 0,89                                   |
| <i>Қашқадарё вилояти</i>  | 0,66                            | 0,84                              | 0,77                       | 0,81                                   |
| <i>Андижон вилояти</i>  | 0,83                            | 0,82                              | 0,98                       | 0,99                                   |
| <i>Наманган вилояти</i>   | 0,52                            | 0,83                              | 0,78                       | 0,79                                   |
| <i>Тошкент вилояти</i>  | 0,86                            | 0,53                              | 0,24                       | 0,70                                   |
| <i>Тошкент шаҳри</i>  | 0,59                            | 0,73                              | 0,70                       | 0,78                                   |
| <b>Аҳолиси сони 2 млн. кишидан 3 млн.кишигача бўлган ҳудудлар</b>   |                                 |                                   |                            |  |
| <i>Сурхондарё вилояти</i>   | 0,60                            | 0,93                              | 0,90                       | 0,96                                   |
| <i>Бухоро вилояти</i>   | 0,92                            | 0,91                              | 0,76                       | 0,97                                   |
| <i>Қорақалпоғистон Республикаси</i>                                 | 0,85                            | 0,94                              | 0,70                       | 0,96                                   |
| <b>Аҳолиси сони 2 млн. кишигача бўлган ҳудудлар</b>                 |                                 |                                   |                            |  |
| <i>Хоразм вилояти</i>   | -0,38                           | 0,59                              | 0,79                       | 0,80                                   |
| <i>Жиззах вилояти</i>   | 0,82                            | 0,96                              | 0,77                       | 0,97                                   |
| <i>Навоий вилояти</i>   | 0,43                            | 0,96                              | 0,67                       | 0,93                                   |
| <i>Сирдарё вилояти</i>  | 0,88                            | 0,93                              | -0,21                      | 0,90                                   |

Манба: "Ташаббусли бюджет" лойиҳаси натижалари "Open budget" портали маълумотлари асосида ҳисобланган  
\* Ҳисоб-китоблар корреляцион ва регрессион таҳлил усуслари ёрдамида амалга оширилган.

#### 1.4. Лойиҳанинг шаҳар ва қишлоқ жойлардаги самарадорлиги.

Таҳлил натижалари шаҳар ва туманларда "Ташаббусли бюджет" лойиҳасига таъсир этувчи омиллар ўртасидаги фарқлар мавжудлигини кўрсатмоқда (1-диаграмма).

##### 1-диаграмма. Шаҳар ва туманларда тадбиркорлар ва аҳоли сонининг лойиҳа натижалари кўрсаткичлари билан боғлиқлиги




Манба: "Ташаббусли бюджет" лойиҳаси натижалари "Open budget" портали маълумотлари асосида ҳисобланган  
\* Ҳисоб-китоблар корреляцион ва регрессион таҳлил усуслари ёрдамида амалга оширилган.

**Шаҳарларда** тадбиркорлар сони ташаббусли лойиҳалар сони (корреляция **0,69**) ва ғолиб лойиҳалар сони (корреляция **0,57**) билан кучли боғлиқликка эга бўлиб, бу аҳоли жон бошига кўпроқ тадбиркор тўғри келадиган **шаҳарларда лойиҳа фаоллиги юқори** эканлигини кўрсатади. **Туманларда** эса бу боғлиқлик бироз паст (ташаббусли лойиҳалар сони билан **0,33** ва ғолиб лойиҳалар сони билан **0,53**) эканини кўрсатмоқда. Бу ҳолат шаҳарларга нисбатан туманларда тадбиркорлар фаоллиги "Ташаббусли бюджет" лойиҳасига камроқ таъсир қилишидан далолат бермоқда.

Шунингдек, таҳлиллар **шаҳарларда** аҳоли сонининг ташаббусли лойиҳалар сони (**0,74**) ва ғолиб лойиҳалар сони (**0,73**) билан кучли боғлиқлиги мавжудлигини кўрсатиб, аҳолиси кўп шаҳарларда фаолликнинг юқори эканлигини ва аҳоли сони ортиши билан лойиҳаларга қизиқиш ва иштирок даражаси ошишини кўрсатади. **Туманларда** эса аҳоли сони ташаббус этилган лойиҳалар сони билан **0,47**, ғолиб лойиҳалар сони билан эса **0,63** даражада боғланган, бу шаҳарларга нисбатан анча пастроқ бўлиб, аҳоли сонининг лойиҳа натижаларига таъсири туманларда нисбатан заиф эканлигини англатади.

**Шаҳарларда** ишсизлик даражаси ташаббусли лойиҳалар сони (**-0,48**) ва ғолиб лойиҳалар сони (**-0,04**) билан салбий корреляцияга эга бўлса, **туманларда** бу кўрсаткичлар мос равища **-0,18** ва **-0,25** даражада камроқ салбий боғлиқликка эга. Бу ҳолат шаҳарларда ишсизлик даражаси юқори бўлса, аҳолининг лойиҳалардаги иштирокига сезиларли салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини, аммо туманларда бу таъсир нисбатан заиф эканлигини англатади (2-диаграмма).



Бу таҳлиллардан кўриниб турибдики, шаҳарларда тадбиркорлар сони ва ишсизлик даражаси каби омиллар лойиҳанинг муваффақиятига кучли таъсир кўрсатади, туманларда эса аҳоли сони мухим роль ўйнайди.

## II. Муваффақият индекси (ғолиб бўлган лойиҳалар сонининг умумий лойиҳалар (ташаббуслар) сонидаги улуши).

Лойиҳалар (ташаббуслар)нинг самарадорлигини баҳолаш мақсадида **муваффақият индекси** ҳисобланиб, таҳлил қилинди. Муваффақият индекси, ғолиб лойиҳаларнинг умумий лойиҳалар (ташаббуслар) сонига нисбатан улушкини кўрсатувчи асосий кўрсаткич бўлиб, у ташаббусли лойиҳаларнинг **муваффақияти даражасини баҳолашга ёрдам беради**.

## 2.1. Қайси соҳаларда лойиҳалар муваффақиятлироқ?

Муваффақият индекси таҳлилларига кўра **соғлиқни сақлаш муассасаларини таъмирлаш** энг юқори муваффақият кўрсаткичига эга (**26,0**), бу соҳадаги лойиҳалар(ташаббуслар)нинг самарадорлиги (ёки муваффақиятлилиги) юқори эканлигидан далолат бермоқда. Худди шундай, **олий таълим муассасаларини таъмирлаш (20,4)** ва **бошқа таълим муассасаларини таъмирлаш (17,7)** лойиҳалари ҳам юқори муваффақият кўрсаткичига эга бўлган. (3-диаграмма).

3-диаграмма. **Ғолиб бўлган лойиҳалар йўналишлари бўйича муваффақият индекси**



Манба: "Ташаббусли бюджет" лойиҳаси натижалари "Open budget" портали маълумотлари асосида ҳисобланган.

Шунингдек, **умумтаълим мактабларини таъмирлаш** ҳам **17,2** муваффақият индексини кўрсатган, бу эса мактаб таълим муассасалари аҳамиятининг юқори эканлигидан далолат бермоқда. Бундан ташқари, **мусиқа ва мактабдан ташқари ташкилотларни таъмирлаш (10,2)** ва **спорт муассасаларини таъмирлаш (9,4)** ҳам фаол қўллаб-қувватланган йўналишлардир.

**Ички йўлларни (пиёдалар йўлакчаси, йўл ўтказгичлар) таъмирлаш 7,4** кўрсаткич билан ўртacha муваффақиятга эришган. Бошқа соҳалар, масалан, **ободонлаштириш, ахоли дам олиш масканлари ва қабристонларни тартибга келтириш** каби лойиҳалар ҳам муваффақиятга эга бўлса-да, улар нисбатан пастроқ кўрсаткичларга эришган.

**Маълумот учун:** “Ташаббусли бюджет” лойиҳасининг 2024 йилги 2 та мавсум натижаларига кўра, республика аҳолиси устувор деб ҳисоблаган йўналишлар **ички йўллар**, **таълим** ва **соғлиқни сақлаш** муассасаларини таъмирлаш тадбирлари ҳисобланади (4-диаграмма). Жумладан, **ички йўлларни таъмирлаш** бўйича **1686** та лойиҳа ғолиб деб топилиб, бу кўрсаткич умумий кўрсаткичнинг **35 фоизини** ташкил этади.

4-диаграмма. **Ғолиб лойиҳалар соҳалар кесимида**



Манба: "Ташаббусли бюджет" лойиҳаси натижалари "Open budget" портали маълумотлари асосида ҳисобланган.

**Умумтаълим мактабларини таъмирлаш** бўйича эса **1447** та лойиҳа (**30 фоиз**), **соғлиқни сақлаш муассасаларини таъмирлаш** бўйича **621** та лойиҳа (**13 фоиз**) ғолиб деб топилган. Қолган **бошқа соҳалар** бўйича **1020** та лойиҳалар (**22 фоиз**) мактабгача таълим муассасалари, спорт иншоотларини таъмирлаш, кўча чироқларини ўрнатиш, ҳудудларни ободонлаштириш ва бошқа тадбирларни ўз ичига олади.

## 2.2. Муваффақият географияси: ҳудудий фарқлар

Таҳлил натижалари ҳудудлар ўртасида муваффақият индексида сезиларли фарқлар мавжудлигини кўрсатмоқда. **Тошкент** вилояти энг юқори **муваффақият индексига** эга бўлиб, бу ерда лойиҳаларнинг катта қисми ғолиб бўлган. Ушбу ҳудуддаги муваффақият индекси **11,6** ни ташкил қиласди, бу кўрсаткич лойиҳалар(ташаббуслар)нинг самарадорлиги юқори эканлигини билдиримоқда. **Хоразм** вилояти эса энг паст муваффақият индекси (**5,0**) билан ажралиб турибди (5-жадвал).

**Соғлиқни сақлаш муассасаларини таъмирлашда** **Тошкент шаҳри** энг юқори натижани кўрсатган (**51,5**). Ундан кейинги ўринларда **Фарғона** (**29,8**) ва **Сурхондарё** (**28,5**) вилоятлари турибди. **Олий таълим муассасаларини таъмирлашда** эса **Сирдарё** вилояти (**37,5**) пешқадам.

**Умумтаълим мактабларини таъмирлашда Андижон (27,8) ва Тошкент вилоятлари (24,7) етакчи бўлиб, бу вилоятларда таълим инфратузилмасини яхшилашга катта эътибор берилган.**

**Тошкент** вилояти мусиқа ва мактабдан ташқари ташкилотларни таъмирлашда (37,5) ҳам юқори кўрсаткичга эга бўлган. Спорт муассасаларини таъмирлашда эса Наманган вилояти кўрсаткичи (23,0) қолган ҳудудларга нисбатан кескин тафовут билан ажралиб турибди.

#### 5-жадвал. Ҳудудлар бўйича муваффақият индекси таҳлили

| Маъмурий бирликлар           | Муваффақият индекси | жумладан                          |  |   |   |   |                                       |   |                                   |                                      |                 |                     |                                   |   |  |   |                                |                              |                                       |      |
|------------------------------|---------------------|-----------------------------------|--|---|---|---|---------------------------------------|---|-----------------------------------|--------------------------------------|-----------------|---------------------|-----------------------------------|---|--|---|--------------------------------|------------------------------|---------------------------------------|------|
|                              |                     | Болалар майдончаларини барпо этиш | Ахоли дам олиши масканларини таъмирлаш | Кўча чироқлари(трансформатор, симёточни ўрнатиш ёки таъмирлаш | Дренаж ва ариқ (зовур) парни тартиба келтириш | Ички йўлларни (иёдёдалар йўлчаси, йўл ўтказичлар) таъмирлаш | Ичимлик сувига оқава тиэммини яхшилаш | Махалла гузарни (ва бошқа обектлар) ни таъмирлаштичаш | Қабристонларни тартибига келтириш | Ободонлаштириш ва кўжаламзорлаштириш | Бошқа тадбирлар | Табиий газ тъминоти | Умумтаълим мактабларини таъмирлаш | Софнлик сакчаш муассасаларини таъмирлаш | Мактабгача таълим муассасаларини таъмирлаш | Мусиқа ва мактабдан ташқари ташкилотларни таъмирлаш | Спорт муассасаларини таъмирлаш | Олий ўқув юртларни таъмирлаш | Бошқа таълим муассасаларини таъмирлаш |      |
| Тошкент вилояти              | 11,6                | 2,3                               | 11,1                                   | 2,9   | 4,0   | 10,8  | 5,5                                   | 0,9   | 3,8                               | 0,0                                  | 8,3             | 6,7                 | 24,7                              | 22,7                                    | 19,4                                       | 37,5  | 12,4                           | 21,1                         | 22,1                                  |      |
| Самарқанд вилояти            | 9,5                 | 0,9                               | 17,6                                   | 2,8   | 4,0   | 11,1  | 1,7                                   | 0,7   | 20,8                              | 0,0                                  | 6,1             | 0,0                 | 14,6                              | 24,4                                    | 5,8  | 5,3   | 9,9                            | 12,5                         | 11,2                                  |      |
| Андижон вилояти              | 9,1                 | 1,1                               | 18,8                                   | 1,2   | 2,6   | 6,5   | 0,0                                   | 0,0   | 0,0                               | 0,0                                  | 6,9             | 0,0                 | 0,0                               | 27,8                                    | 20,9                                       | 4,5   | 11,1                           | 14,3                         | 20,0                                  | 29,3 |
| Жиззах вилояти               | 8,6                 | 0,0                               | 0,0                                    | 1,5   | 0,0   | 9,6   | 0,0                                   | 6,6   | 2,3                               | 20,0                                 | 8,8             | 3,6                 | 15,0                              | 21,1                                    | 1,1  | 0,0   | 12,0                           | 33,3                         | 17,4                                  |      |
| Фарғона вилояти              | 8,5                 | 1,7                               | 4,2                                    | 3,2   | 8,7   | 6,5   | 2,1                                   | 1,7   | 7,3                               | 14,6                                 | 7,4             | 4,4                 | 21,8                              | 29,8                                    | 1,7  | 5,0   | 6,1                            | 11,8                         | 31,5                                  |      |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 8,2                 | 3,1                               | 5,4                                    | 1,4   | 2,8   | 5,9   | 3,8                                   | 1,3   | 18,2                              | 3,0                                  | 4,0             | 6,9                 | 18,6                              | 15,7                                    | 9,9  | 17,2  | 7,2                            | 13,3                         | 19,1                                  |      |
| Наманган вилояти             | 7,9                 | 0,6                               | 2,3                                    | 0,9   | 2,3   | 8,3   | 2,9                                   | 0,6   | 7,1                               | 0,0                                  | 5,0             | 0,0                 | 17,7                              | 26,8                                    | 8,3  | 6,3   | 23,0                           | 18,5                         | 12,2                                  |      |
| Сирдарё вилояти              | 7,5                 | 1,5                               | 2,2                                    | 0,5   | 1,1   | 8,9   | 2,6                                   | 4,3   | 2,2                               | 0,0                                  | 4,2             | 2,3                 | 18,4                              | 24,2                                    | 6,6  | 0,0   | 12,9                           | 37,5                         | 12,0                                  |      |
| Бухоро вилояти               | 7,5                 | 3,4                               | 7,3                                    | 3,0   | 4,6   | 5,4   | 0,0                                   | 0,6   | 0,0                               | 4,0                                  | 14,9            | 0,0                 | 20,0                              | 18,9                                    | 2,6  | 12,5  | 14,9                           | 0,0                          | 20,8                                  |      |
| Қашқадарё вилояти            | 7,1                 | 0,7                               | 11,8                                   | 1,7   | 0,0   | 10,3  | 4,0                                   | 1,9   | 3,8                               | 0,0                                  | 0,0             | 0,0                 | 7,5                               | 12,5                                    | 2,9  | 4,8   | 5,4                            | 22,2                         | 6,0                                   |      |
| Тошкент шаҳри                | 6,5                 | 0,0                               | 0,0                                    | 0,0   | 0,0   | 0,4   | 0,0                                   | 0,1   | 0,0                               | 0,0                                  | 0,6             | 0,0                 | 19,5                              | 51,5                                    | 2,4  | 0,0   | 5,3                            | 27,3                         | 14,4                                  |      |
| Сурхондарё вилояти           | 5,4                 | 0,5                               | 2,7                                    | 1,2   | 4,8   | 5,5   | 2,6                                   | 0,8   | 0,0                               | 2,9                                  | 8,0             | 0,0                 | 7,7                               | 28,5                                    | 0,4  | 11,8  | 2,9                            | 22,2                         | 13,3                                  |      |
| Навоий вилояти               | 5,2                 | 0,0                               | 8,5                                    | 0,0   | 0,9   | 4,7   | 1,0                                   | 3,7   | 4,0                               | 3,9                                  | 3,2             | 0,0                 | 15,1                              | 10,9                                    | 1,3  | 6,7   | 11,4                           | 0,0                          | 12,5                                  |      |
| Хоразм вилояти               | 5,0                 | 0,5                               | 2,7                                    | 0,1   | 0,0   | 4,5   | 1,3                                   | 1,2   | 0,0                               | 5,9                                  | 4,7             | 0,0                 | 13,3                              | 26,6                                    | 2,9  | 0,0   | 12,1                           | 0,0                          | 18,0                                  |      |

Манба: "Ташаббусли бюджет" лойиҳаси натижалари "Open budget" портали маълумотлари асосида ҳисобланган.


**Самарқанд (11,1), Тошкент (10,8), Қашқадарё (10,3) ва Жиззах (9,6) вилоятлари ички йўлларни таъмирлаш бўйича лойиҳалар муваффақиятли бўлган.** Бу ҳудудларда йўл инфратузилмасини яхшилаш мұҳим йўналиш ҳисобланган.

**Маълумот учун:** "Ташаббусли бюджет" лойиҳасининг 2024 йилда ўтказилган икки мавсум натижалари таҳлилига кўра, **Сурхондарё (6044 та)** ташабbus, **Фарғона (5638 та)** вилоятлари ва **Тошкент (5431 та)** шаҳри юқори даражада фаол бўлиб, ташабbus сифатида билдирилган лойиҳалар сони нисбатан кўп бўлганлиги кузатилган. Айrim ҳудудларда, хусусан **Жиззах (2897 та)** ва **Сирдарё (2988 та)** вилоятларида эса аксинча, ташабbusлар сони нисбатан кам бўлган.

Шунингдек, аҳоли томонидан лойиҳаларга берилган овозлар сони ва ғолиб лойиҳалар сони ўртасидаги боғлиқлик таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, энг фаол ҳудудлар сифатида **Тошкент (1371,7 минг овоз, 513 ғолиб лойиҳа)** ва **Фарғона вилоятлари (2467,8 минг овоз, 477 ғолиб лойиҳа)** алоҳида ажралиб турганлигини кўриш мумкин, бу ҳудудларда берилган овозлар сони ҳам, ғолиб лойиҳалар сони ҳам бошқа ҳудудларга нисбатан анча юқори бўлган. **Навоий (560,8 минг овоз, 219**

ғолиб лойиҳа) ва Сирдарё (539,6 минг овоз, 224 ғолиб лойиҳа) вилоятлари нисбатан паст фаолликка эга (5-диаграмма).

5-диаграмма. Лойиҳаларга берилган овозлар сони ва ғолиб лойиҳалар сони ўртасидаги боғлиқлик



Манба: "Ташаббусли бюджет" лойиҳаси натижалари "Open budget" портали маълумотлари асосида ҳисобланган.


Ғолиб бўлган лойиҳаларнинг йўналишлар бўйича ҳудудлар кесимидағи таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, аксарият ҳудудларда, айниқса Қашқадарё (237 та), Самарқанд (211 та) ва Тошкент (205 та) вилоятларида ички йўлларни таъмирлаш лойиҳалари устунлик қилмоқда (б-жадвал). Фарғона (163 та) Тошкент (161 та) ва Андижон (159 та) вилоятларида эса умумтаълим мактабларини таъмирлаш лойиҳалари бошқа вилоятларга нисбатан кўпчиликни ташкил қиласди. Шу билан бирга, Фарғона (75 та) ва Тошкент (171 та) шаҳрида соғлиқни сақлаш муассасаларини таъмирлаш лойиҳалари бошқа йўналишлардаги лойиҳаларга нисбатан кўпроқни ташкил қилмоқда.

6-жадвал. Ғолиб бўлган лойиҳаларнинг йўналишлар бўйича ҳудудлар кесимидағи таҳлили

|  | Қароқалпогистон Республикаси | Андижон вилояти | Бухоро вилояти | Жиззах вилояти | Қашқадарё вилояти | Навоий вилояти | Наманган вилояти | Самарқанд вилояти | Сурхондарё вилояти | Сирдарё вилояти | Тошкент вилояти | Фарғона вилояти | Хоразм вилояти | Қашқадарё вилояти |
|--|------------------------------|-----------------|----------------|----------------|-------------------|----------------|------------------|-------------------|--------------------|-----------------|-----------------|-----------------|----------------|-------------------|
| Ички йўлларни (пиёдалар<br>йўлакнasi, йўл ўтказгичлар) | 64                           | 129             | 84             | 96             | 237               | 44             | 187              | 211               | 117                | 78              | 205             | 118             | 113            | 3                 |
| Умумтаълим мактабларини<br>таъмирлаш                   | 115                          | 159             | 102            | 83             | 30                | 87             | 93               | 105               | 72                 | 67              | 161             | 163             | 77             | 133               |
| Соғлиқни сақлаш<br>муассасаларини таъмирлаш            | 26                           | 38              | 31             | 12             | 13                | 28             | 40               | 49                | 65                 | 22              | 17              | 75              | 34             | 171               |
| Бошқа таълим муассасаларини<br>таъмирлаш               | 30                           | 36              | 16             | 12             | 4                 | 11             | 11               | 10                | 16                 | 10              | 27              | 28              | 20             | 15                |
| Спорт муассасаларини<br>таъмирлаш                      | 11                           | 7               | 13             | 10             | 7                 | 16             | 17               | 12                | 6                  | 11              | 11              | 4               | 4              | 7                 |
| Кўча чироқлари<br>(трансформатор, симёточ)             | 5                            | 7               | 15             | 4              | 10                | 0              | 6                | 13                | 11                 | 2               | 16              | 28              | 1              | 0                 |
| Мактабгача таълим<br>муассасаларини таъмирлаш          | 13                           | 4               | 4              | 1              | 1                 | 3              | 9                | 11                | 1                  | 9               | 31              | 9               | 5              | 11                |
| бошқа тадбирлар  | 46                           | 12              | 34             | 32             | 21                | 30             | 25               | 22                | 38                 | 25              | 45              | 52              | 11             | 15                |

Шунингдек, эътиборли яна бир жиҳат шуки, ажратилган маблағ миқдори билан муваффақият индекси ўртасида мўтадил боғлиқлик мавжуд эмас (6-диаграмма). Масалан, **Тошкент** вилояти энг кўп маблағ (**579 млрд. сўм**) ажратилган ҳудуд бўлиб, муваффақият индекси энг юқори бўлган, лекин бошқа ҳудудларда (**Фарғона** вилоятида) кўп маблағ ажратилган ҳолда ҳам муваффақият паст бўлган ҳолатлар мавжуд.

6-диаграмма. Ҳудудлар бўйича муваффақият индекси ва ажратилган маблағлар ўртасидаги боғлиқлик



Манба: "Ташаббусли бюджет" лойиҳаси натижалари "Open budget" портали маълумотлари асосида ҳисобланган.

**Тўман ва шаҳарлар** кесимида муваффақият индексида ҳам тафовутлар мавжуд (7-жадвал).

**Самарқанд** вилоятининг **Каттақўғон** шаҳри **19,1** индекс билан энг юқори кўрсаткичга эга бўлди, бу ҳудуддаги ташаббусли лойиҳаларнинг жуда юқори даражада қўллаб-қувватланганлигини кўрсатади. Энг паст кўрсаткич эса **Хоразм** вилояти **Тупроққалъя** туманида (**2,6**) қайд этилди, бу эса ушбу ҳудудда ташаббуслар қўллаб-қувватлаш даражасининг жуда пастлигини анлатади.

Эътиборли жиҳат шуки, ТОП-20 талиқда туманларга қараганда шаҳарлар (масалан, **Бекобод**, **Нурафшон**, **Олмалиқ**, **Наманган**, **Чирчиқ**, **Хонобод**, **Ширин**, **Ангрен** шаҳарлари ва Тошкент шаҳрининг **Юнусобод** тумани) кўпчиликни ташкил қиласди. Бу ҳолатдан келиб чиқиб, шаҳарларда муваффақият индекси каттароқ бўлиши, аҳолининг маълумот даражаси ва лойиҳага қизиқиши юқори эканлиги билан боғлиқ бўлиши мумкин.

## 7-жадвал. Энг юқори ва энг паст муваффақият индексига эга бўлган 20 та ҳудуд (туман/шаҳарлар) рўйхати

**Энг юқори муввафақиятга эришган ҳудудлар 20 талиги**

**Энг паст муввафақиятга эришган ҳудудлар 20 талиги**

| <b>№</b> | <b>Ҳудудлар</b>              | <b>Туман/шаҳарлар</b> | <b>Муваффақият индекси</b> | <b>№</b> | <b>Ҳудудлар</b>              | <b>Туман/шаҳарлар</b> | <b>Муваффақият индекси</b> |
|----------|------------------------------|-----------------------|----------------------------|----------|------------------------------|-----------------------|----------------------------|
| 1        | Самарқанд вилояти            | Каттақўргон шаҳри     | 19,1                       | 189      | Хоразм вилояти               | Қўшкўпир тумани       | 5,1                        |
| 2        | Тошкент вилояти              | Бекобод шаҳри         | 18,4                       | 190      | Хоразм вилояти               | Хазораст тумани       | 5,1                        |
| 3        | Жиззах вилояти               | Дўстлик тумани        | 17,9                       | 191      | Сурхондарё вилояти           | Қумқўргон тумани      | 5,0                        |
| 4        | Тошкент вилояти              | Нурафшон шаҳри        | 17,7                       | 192      | Тошкент шаҳри                | Учтепса тумани        | 4,9                        |
| 5        | Тошкент вилояти              | Олмалиқ шаҳри         | 16,8                       | 193      | Наманган вилояти             | Ўйчи тумани           | 4,6                        |
| 6        | Тошкент шаҳри                | Юнусобод тумани       | 16,7                       | 194      | Қорақалпоғистон Республикаси | Элликқалъя тумани     | 4,6                        |
| 7        | Бухоро вилояти               | Қоровулбозор тумани   | 16,4                       | 195      | Навоий вилояти               | Қизилтепса тумани     | 4,6                        |
| 8        | Наманган вилояти             | Наманган шаҳри        | 16,4                       | 196      | Хоразм вилояти               | Янгиариқ тумани       | 4,5                        |
| 9        | Тошкент вилояти              | Чирчиқ шаҳри          | 16,4                       | 197      | Навоий вилояти               | Конимек тумани        | 4,1                        |
| 10       | Андижон вилояти              | Хонобод шаҳри         | 16,2                       | 198      | Сирдарё вилояти              | Боёвут тумани         | 4,1                        |
| 11       | Сирдарё вилояти              | Ширин шаҳри           | 16,1                       | 199      | Сурхондарё вилояти           | Шеробод тумани        | 4,0                        |
| 12       | Тошкент вилояти              | Ангрен шаҳри          | 16,1                       | 200      | Сурхондарё вилояти           | Олтинсой тумани       | 3,9                        |
| 13       | Жиззах вилояти               | Зафаробод тумани      | 15,8                       | 201      | Сурхондарё вилояти           | Бандиҳон тумани       | 3,8                        |
| 14       | Тошкент вилояти              | Янгиюл шаҳри          | 15,4                       | 202      | Тошкент шаҳри                | Олмазор тумани        | 3,7                        |
| 15       | Наманган вилояти             | Туракўргон тумани     | 14,0                       | 203      | Сурхондарё вилояти           | Музробод тумани       | 3,6                        |
| 16       | Самарқанд вилояти            | Нуробод тумани        | 13,4                       | 204      | Хоразм вилояти               | Хива шаҳри            | 3,5                        |
| 17       | Тошкент вилояти              | Пискент тумани        | 12,9                       | 205      | Навоий вилояти               | Кармана тумани        | 3,5                        |
| 18       | Фарғона вилояти              | Фарғона тумани        | 12,9                       | 206      | Хоразм вилояти               | Янгибозор тумани      | 3,5                        |
| 19       | Андижон вилояти              | Андижон шаҳри         | 12,5                       | 207      | Навоий вилояти               | Нурота тумани         | 3,0                        |
| 20       | Қорақалпоғистон Республикаси | Қараўзак тумани       | 12,3                       | 208      | Хоразм вилояти               | Тупроққалъя тумани    | 2,6                        |

Манба: "Ташаббусли бюджет" лойиҳаси натижалари "Open budget" портали маълумотлари асосида ҳисобланган.

Энг юқори муваффақият кўрсаткичига эга ҳудудлардан бири бўлган **Тошкент** вилоятида фаол иштирок этган туман ва шаҳарлар сони кўпроқдир. Масалан, **Бекобод**, **Нурафшон**, ва **Олмалиқ** шаҳарлари юқори кўрсаткичларга эга. Бу вилоятда лойиҳаларга қизиқиш ва иштирок даражаси юқорилигини кўрсатади. Шу билан бирга, **Сурхондарё** ва **Хоразм** вилоятларида муваффақият индекси паст бўлган туманлар сони кўп бўлиб, бу ҳудудларда лойиҳаларнинг қўллаб-қувватланиши даражаси камроқ бўлган бўлиши мумкин.

**Фуркат Юнусов,**

*Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти*

*Нархлар мониторинги лойиҳаси бош мутахассиси*

**Азизбек Мухаматжонов,**

*Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти*

*Ҳудудлар ривожланишини стратегик режалаштириш лойиҳаси етакчи мутахассиси*